«ТАСДИҚЛАЙМАН»
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИ
И.МАДЖИДОВ
_______________
«____» ________ 2018 йил

**Тошкент давлат шарқшунослик институти илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори Рихсиева Гулчеҳра Шавкатовнанинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича**

**"ЙЎЛ ХАРИТАСИ"**

| Т/р | Тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Муддати |
|---|---|---|---|
| **Профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчилар ва талабаларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларга муносабат билдириш ҳамда тарғиб қилиш жараёнларидаги фаоллигини ошириш бўйича тадбирлар** | | | |
| 1 | Илмий тадқиқот фаолияти, олий малакали илмий педагогик кадрлар тайёрлаш, инновацион фаолиятни ташкил этишга оид амалдаги қонун ҳужжатларини инвентаризация қилиш ва уларга сифат ва самарадорликни оширишга қаратилган тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тайёрлаш. | 1. Амалдаги қонун ҳужжатларини инвентаризация қилиш.<br>2. Амалдаги қонун ҳужжатларини сифат ва самарадорликни оширишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тайёрлаш.<br>3. Мазкур йўналишларда Олий аттестация комиссияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлигига бўйича таклифлар киритиш. | 2018 йил октябрь |
| 2 | Институт кафедраларининг илмий-педагогик фаолият йўналишлари ҳамда олий малакали кадрлар тайёрлаш бўйича ҳар ойда интервью берилишни ташкил этиш ва тадбирларда иштирок этиш. | 1. Кафедра профессор-ўқитувчиларининг тегишли илмий йўналишларида амалга оширилаётган ишлар бўйича интервьюларини ташкил этиш<br>2. Таянч докторантура ва докторантура изланувчиларининг оммавий ахборот воситалари, интернет сайтларида илмий инноваицон фаолият юзасидан чиқишларини таъминлаш | 2018 йил сентябрь ва доимий равишда |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 3 | “Маърифат”, “Учитель Узбекистана”, “Ёшлар овози”, “Молодежь Узбекистана” ва бошқа газеталарда ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг расмий веб-сайтида очиладиган “Ислоҳотлар олий таълим муассасалари нигоҳида” рукнида, шунингдек, институтнинг расмий сайтида ТошДШИ вакилларининг ислоҳотларга муносабатларини бериб бориш | 1.“Маърифат”, “Учитель Узбекистана”, “Ёшлар овози”, “Молодежь Узбекистана” ва бошқа газеталарда ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг расмий веб-сайтида очиладиган “Ислоҳотлар олий таълим муассасалари нигоҳида” рукнида институт вакилларининг ислоҳотларга бўлган муносабатларини бериб боришда иштирок этиш.<br>2.Институт веб-сайтида “Ислоҳотлар шарқшунослар нигоҳида”рукнини очиш.<br>3.“Ислоҳотлар шарқшунослар нигоҳида” рукнига қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш.<br>4.“Ислоҳотлар шарқшунослар нигоҳида” рукнига доимий равишда институт профессор-ўқитувчилари, ёш олимлари ва талабаларининг мақолаларини бериб борилишини таъминлаш. | Доимий равишда<br>2018 йил август<br>2018 йил июль<br>Доимий равишда |
| 4 | Қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнииг мазмун ва моҳиятини тушунтириш бўйича институт вакиллари иштирокида семинарлар ўтказилишини таъминлаш. | 1. Факультетлар кесимида қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнииг мазмун ва моҳиятини тушунтириш мақсадида семинарлар ташкил этиш.<br>2. Юқори ташкилотларда ва ҳамкор ташкилотларда ўтказиладиган семинарларда институт вакилларининг (мавзуга мувофиқ равишда) иштирокларини таъминлаш. | Режа-график асосида |
| **Профсссор-ўқитувчилари, ёш олимлари ва талабаларининг илмий-тадқиқот натижалари ва инновацион ишланмаларини амалиётга жорий этиш тизимини самарали ташкил этиш** | | | |
| 5 | Институт талабаларини илмий фаолиятга йўналтириш ва уларда инновацион фикрлашни шакллантириш. | 1. Институтда “Ёшлар инновацион маркази”ни ташкил этиш<br>2. “ТДШИ Ёшлар инновацион маркази”нинг Низомини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш<br>3. Низом асосида “ТДШИ Ёшлар инновацион маркази”нинг иш режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.<br>4. 2-курс давомида саралаб олинган энг иқтидорли талабалар учун алоҳида инновацион гуруҳлар ташкил этиш (уларнинг қизиқишлари асосида), профессор-ўқитувчиларга бириктириш ва талабаларни магистратурага мақсадли қабул қилиш ва бу орқали олий таълим муассасалари кафедралари | 2018 йил август |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | учун малакали кадрлар тайёрлаш тизимини жорий этиш.<br>5. Институтда фаолият кўрсатаётган "Ёш олимлар кенгаши"нинг иш режасига янги ғоя ва ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга жалб этиш ва улар билан мунтазам ишлаш юзасидан чора-тадбирлар киритиш | |
| 6 | Институт профессор-ўқитувчилари, ёш олимлари ва талабаларининг илмий изланишлари натижалари ва инновацион ишланмаларни амалиётга жорий этишга йўналтириш. | 1.Институт профессор-ўқитувчилари, ёш олимлари ва талабаларининг илмий изланишларини иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларнинг илмий муаммолари асосида ташкил этиш.<br>2. Ҳамкор ташкилотлар билан институт профессор-ўқитувчилари, ёш олимлари ва талабаларининг инновацион ишланмаларини амалиётга жорий этиш бўйича семинарлар ташкил этиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш. | Доимий равишда |
| 7 | Инновацион ғояларни ҳар томонлама ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, институт профессор-ўқитувчилари, ёш олимлари ва талабаларининг инновацион ишланмаларни яратиш борасидаги ташаббускорлигини ошириш юзасидан тизимли ишларни ташкил этиш. | 1. Инновацион ғоялар яратилишини ҳар томонлама ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш.<br>2. Илмий-инновацион ишларига бўлган эҳтиёжни тизимли равишда таҳлил қилиш ва инновацион маҳсулот (иш, хизмат)ларга бўлган талабни ўрганиш.<br>3. Институтда ишлаб чиқилган инновацион фаолиятни ташкил этиш бўйича йўл ҳаритасида белгиланган ишларнинг ижросини таъминлаш | 2018 йил, июль<br>Домий равишда |
| 8 | Ёшларнинг инновацион ғоя ва ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолияти натижаларини рағбатлантириш чораларини кўриш. | Ёш олимлар ва талабалар ўртасида институт миқёсида ҳар йили инновацион ғоя ва ташаббуслар танловини ўтказиб бориш ва ғолибларни такдирлашни ташкил этиш, институт миқёсида ғолибликни қўлга киритган ёш олимлар ва талабаларни республика танловига тавсия этиш. | Ҳар йили апрель ойида |
| 9 | Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларнинг илмий-амалий муаммоларига бағишланган семинар, учрашув ва давра суҳбатларини уюштириш, институт илмий салоҳиятини тиббиётнинг долзарб муаммоларга йўналтириш. | 1. Институтнинг соҳа ташкилотлари раҳбарлари, етакчи мутахассислари, фаол тадбиркорлар билан долзарб илмий масалаларда семинар, учрашув ва давра суҳбатларини ўтказиш режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.<br>2. Институтда докторлик ва магистрлик диссертация | 2018 йил сентябрь |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | ишларини иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларнинг илмий-амалий муаммолари мавзуларида бажарилишини йўлга қўйиш. | |
| **Институт раҳбариятнинг мамлакатни ислоҳ қилиш жараёнида фаол иштирок этиш борасидаги масъулиятини ошириш** | | | |
| | Институт раҳбариятининг мамлакатни ислоҳ қилиш жараёнида фаол иштирок этиш борасидаги масъулиятини ошириш юзасидан чора-тадбирларни белгилаш. | 1. Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорининг “Йўл харитасини” ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.<br>2.Тасдиқланган “Йўл харитаси”да белгиланган вазифаларнинг ижросини назорат қилиш ва таъминлаш. | 2018 йил июнь<br><br>Доимий равишда |